

«10 03 2020 № 6

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА РЕТРОВИР

Препаратнинг савдо номи: РЕТРОВИР

Таъсир этувчи модда (ХПН): зидовудин

Дори шакли: инфузия учун эритма тайёрлаш учун концентрат 10 мг/мл.

Таркиби:

Инфузия учун бир мл эритма қуйидагиларни сақлади:
фаол модда: 10 мг зидовудин;

ёрдамчи моддалар: концентрацияланган хлорид кислотаси¹, натрий гидроксида¹,

¹ концентрацияланган хлорид кислотаси ёки натрий гидроксида етарли миқдорда ишилатади.

Таърифи: Тиник, рангиздан то оч-сариқ ранглигача бўлган, кўринадиган механик киритмалари бўлмаган эритма.

Фармакотерапевтик гуруҳи: тизимли қўллаш учун, тўғридан-тўғри таъсир этувчи вирусларга қарши препаратлар, нуклеозид аналоглари - тескари транскриптаза ингибиторлари, зидовудин.

АТХ коди: J05AF01

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Таъсир механизми

Зидовудин - ретровирусларга нисбатан, шу жумладан одам иммун танқислиги вируси (ОИТВ) *in vitro* шароитда юқори фаол вирусларга қарши воситадир.

Зидовудин инфекцияланган ва инфекцияланмаган хужайраларда, хужайра тимидинкиназаси ёрдамида монофосфат (МФ) хосилаларгача фосфорланади. Зидовудин-МФ ни зидовудин ди- ва трифосфат (ТФ) гача кейинги фосфорланиши мувофиқ хужайра тимидинкиназаси ва носпективик киназалар томонидан катализацияланади. Зидовудин-ТФ ОИТВ тескари транскриптазаси учун инибitor ва субстрат каби таъсир қиласди. Вирусга қарши ДНК ҳосил бўлиши зидовудин-ТФ ни унинг занжирига кириши билан блокланади, бу занжирнинг узилишига олиб келади. Зидовудин-ТФ ни ОИТВ тескари транскриптазасига рақобати, одам хужайра ДНК а-полимеразага қараганда тахминан 100 марта кучлироқ. *In vitro* шароитда зидовудин ва бошқа вирусларга қарши препаратларнинг (синовлардан ўтказилган моддалар: абакавир, диданозин, ламивудин ва интерферон-альфа) антагонистик самаралари аниқланмаган.

Фармакодинамик самаралари

Тимидин аналогларига (зидовудин каби) резистентлик яхши ўрганилган ва ОИТВ тескари транскриптазасининг 6 кодонларида (41, 67, 70, 210, 215 ва 219) специфик мутацияларни аста-секин йиғилиши натижасида юз беради. 41 ва 215 кодонларда мажмуавий мутациялар ёки хеч бўлмаса, олти мутацияларда тўртгасини йиғилиши натижасида вируслар тимидин аналогларига фенотипик резистентликка эга бўладилар. Тимидин аналогларига бу мутацияларнинг чидамлилиги ўз-ўзича нуклеозидларнинг бошқа аналогларига юқори кесишган резистентликнинг сабаби ҳисобланмайди, бу кейинчалик тескари транскриптазанинг бошқа маъкулланган ингибиторларини қўллаш имкониятини беради.

Мутациянинг икки тури кўпсонли дорили резистентлик ривожланишига олиб келади. Бир ҳолда мутациялар ОИТВ тескари транскриптазасининг 62, 75, 77, 116 ва 151 позицияларида юз беради, ва иккинчи ҳолда гап бу позицияда 6-ти жуфт азотли асосларни киритилиши билан T69S мутация хақида боради, бу зидовудинга, шунингдек тескари

транскриптазанинг бошқа ингибиторларига фенотипик резистентликнинг пайдо бўлиши билан бирга кечади. Бу мутацияларнинг иккала тури ОИТВ-инфекциясида даволаш имкониятини аҳамиятли даражада чеклайди.

Ҳозирги вақтда *in vitro* шароитда зидовудинг сезувчанлик ва даволашнинг клиник самараси орасидаги алоқа ўрганилмаган. Препаратларга ОИТВ сезувчанлик синамалари *in vitro* шароитда стандартланган эмас, шунинг учун уларнинг натижаларига турли услубий омиллар таъсир қилиши мумкин.

In vitro шароитда зидовудинни ламивудин билан мажмуасини тадқиқотлари, вирусларнинг зидовудин резистент изолятлари, ламивудинга бир вақтда резистентлик ривожланган ҳолда зидовудинг сезувчанлик ҳосил қилишлари мумкин. Зидовудинни ламивудин билан мажмуада қўллаш, агар пациентларда илгари антиретровирусли даволаш ўтказилмаган бўлса, зидовудинга резистент вирус штаммларининг пайдо бўлишини кечикириди.

Зидовудин мажмуавий антиретровирусли даволашда шу гурухнинг (тескари транскриптазанинг нуклеозидли ингибиторлари) бошқа вирусларга қарши агентлари ва бошқа гурух препаратлари (протеазаларнинг ингибиторлари, тескари транскриптазанинг нуклеозидли ингибиторлари) билан қўлланади.

Фармакокинетикаси

Сўрилиши

Биокиралишилиги

Дозага боғлиқ бўлмаган фармакокинетикаси 1 соат давомида вена ичига инфузиялар йўли билан суткада 3-6 марта 1 дан 5 мг*/кг дозаларда зидовудин қабул қилаётган пациентларда кузатилган. Мувозанат холатида концентрацияларнинг ўртacha қиймати максимал ($C_{SS} \text{ max}$) ва минимал ($C_{SS} \text{ min}$) катталарда ҳар 4 соатда 2,5 мг/кг дозада 1 соат давомида вена ичига инфузиядан кейин мувофиқ 4,0 ва 0,4 мкмоль (ёки 1,1 ва 0,1 мкг/мл) бўлган.

Тақсимланиши

Вена ичига юбориш учун зидовудинни тадқиқотларнинг маълумотлари бўйича, яrim чиқарилишининг ўртacha даври 1,1 соатни, ўртacha умумий клиренси - 27,1 мл/минут/кг ни ва тақсимланиш хажми - 1,6 л/кг ни ташкил қилган.

Катталарда қабул қилингани дан кейин 2-4 соат ўтгач ликвор ва қон зардобидаги зидовудиннинг концентрациялари орасидаги нисбат ўртacha 0,5 ни ташкил қиласди. Маълумотлар зидовудинни йўлдош орқали ўтишини ва амниотик суюқлигида ва ҳомиланинг қонида аниқланишини намойиш қиласди. Зидовудин шунингдек, спермада ва кўкрак сутида аниқланади.

Зидовудинни плазма оқсиллари билан боғланиши нисбатан паст (34-38%) ва бошқа дори препаратлари билан оқсилларда боғланиш жойларида уларни алмаштириш орқали ўзаро таъсирининг эҳтимоли кам.

Метаболизми

Зидовудиннинг 5'-глюкуронид плазма ва сийдикдаги асосий метаболити хисобланади, бунда зидовудиннинг қабул қилинган дозасининг тахминан 50-80% буйрак экскрецияси йўли билан чиқарилади. 3'-амино-3'-дезоксимитидин (АМТ) зидовудиннинг метаболити сифатида вена ичига юборилганидан кейин аниқланган.

Чиқарилиши

Зидовудиннинг буйрак клиренси креатинин клиренсидан анча юқори, бу уни асосан найчалар секрецияси йўли билан чиқарилишини қўрсатади.

Пациентларнинг алоҳида гуруҳлари

Болалар

5-6 ойликдан катта болаларда зидовудиннинг фармакокинетикасини кўрсатгичлари катталардаги кўрсатгичлар билан ўхшаш.

Зидовудин тана юзасига 80 mg/m^2 , 120 mg/m^2 , 160 mg/m^2 дозада вена ичига юборилганидан кейин C_{ssmax} қиймати мувофиқ 1,46 мкг/мл, 2,26 мкг/мл ва 2,96 мкг/мл ни ташкил қиласди.

Болаларда ликвор ва қон зардобидаги зидовудиннинг концентрациялари орасидаги нисбат оғиз орқали қабул қилинганидан кейин 0,5-4 соат ўтгач 0,52-0,85 чегараларида тебранади

ва 1 соат давомида вена ичига инфузия кўринишида юборилганидан кейин 1-5 соат ўтгач 0,87 ни ташкил қиласди. Узлуксиз инфузия давомида ликвор ва қон зардобидаги зидовудиннинг мувозанат концентрациялари орасидаги ўртacha нисбат 0,24 ни ташкил қиласди.

Вена ичига юборилганида ярим чиқарилишининг ўртacha даври 1,5 соатни ташкил қиласди ва умумий клиренси 30,9 мл/минут/кг ни ташкил қиласди. Асосий метаболити 5-глюкоронид хисобланади. Вена ичига юборилганидан кейин препаратнинг дозасини 29% ўзгармаган холда, дозанинг 45% - глюкоронид кўринишида буйраклар орқали чиқарилади. Зидовудиннинг буйрак клиренси креатинин клиренсидан анча юқори, бу уни асосан найчалар секрецияси ёрдамида чиқарилишини кўрсатади.

Янги туғилган чақалоқлар ва кичик ёш гуруҳи болалардаги фармакокинетикаси бўйича бор бўлган маълумотлар, 14 кунликдан кичик янги туғилган чақалаоқларда зидовудиннинг глюкоронизацияси кейинги унинг биокиралишини ошиши билан пасайиши, клиренсини пасайиши ва ярим чиқарилиш даврини узайишидан далолат беради, лекин сўнгра зидовудиннинг фармакокинетикаси катталардаги билан ўхшаш бўлади.

Кекса ёшли пациентлар

Зидовудиннинг фармакокинетикаси 65 ёшдан ошган пациентларда текширилмаган.
Буйрак функциясини бузилиши бўлган пациентлар

Оғир буйрак етишмовчилиги бўлган пациентларда зидовудиннинг плазмадаги максимал концентрацияси, буйрак функциясини бузилиши бўлмаган пациентилар билан солиштирганда 50% га ошади. Зидовудиннинг тизимли экспозицияси AUC (“концентрация-вақт” эгри чизиги остидаги майдони сифатида аниқланади) 100% га ошади; ярим чиқарилиш даври аҳамиятли ўзгармайди. Буйрак фаолиятини бузилишида зидовудиннинг асосий метаболити - глюкоронидни аҳамиятли тўпланиши кузатилади, лекин бунда токсик таъсирининг белгилари аниқланмайди. Гемодиализ ва перитонеал диализ зидовудиннинг чиқарилишига таъсир қиласди, шу вақтнинг ўзида глюкоронид метаболитининг чиқарилиши кучаяди (*Қўллаш усули ва дозалари бўлимиға қаранг*).

Жигар функциясини бузилиши

Жигар цирроози бўлган пациентларни юритиш бўйича чекланган маълумотлар асосида, жигар циррози оқибатидаги жигар функциясини бузилиши бўлган пациентларда глюкоронизацияни пасайиши, зидовудинни тўпланишига олиб келиши мумкин деб тахмин қилинади. Оғир жигар етишмовчилиги бўлган пациентларда дозага тузатиш киритиш талаб қилинади. Фақат чекланган маълумотлар бўлганлиги туфайли, аник тавсияларни бериш мумкин эмас (*Қўллаш усули ва дозалари бўлимиға қаранг*).

Ҳомиладорлик

Зидовудиннинг фармакокинетикаси ҳомиладорликни охирги уч ойлиги давомида саккиз аёлларнинг иштирокидаги текширишлар давомида баҳоланган. Ҳомиладорлик ривожланиб борганлиги туфайли, зидовудинни тўпланиши белгилари аниқланмаган. Ҳомиладорларда зидовудиннинг фармакокинетикаси ҳомиладор бўлмаган катталардаги билан ўхшаш бўлган. Болаларда туғилишда плазмадаги зидовудиннинг концентрацияси, туғруқ вақтидаги уларнинг оналаридаги каби бўлган, бу зидовудинни йўлдош тўсиги орқали пассив ўтиши назариясини тасдиқлайди.

Хавфсизлиги бўйича клиника олди бўлган маълумотлари

Мутагенлик

Зидовудин Эймс тестида мутаген хусусиятлар кўрсатмаган. Лекин зидовудин сичқонлар лимфомаси хужайралар моделида кучсиз мутаген таъсир кўрсатган ва хужайралар трансформациясига *in vitro* тестларда ижобий натижа берган.

Кластоген таъсири одам лимфоцитларида *in vitro* шароитда текширишларда ва такрорий дозаларни оғиз орқали юборишдаги каламушлар ва сичқонларда кўп ядроли тестларни ўтказиш давомида кузатилган. Каламушлардаги *in vivo* шароитда текширишлар хромосомали шикастланишларни намойиш қиласди. ОИТС бўлган ўн икки bemорларнинг периферик қони лимфоцитларини текширишлари, зидовудин билан

даволанган пациентларда, зидовудин қабул қылмаган пациентлар билан солиширганда, хромосомали шикастланишлар тез-тезлигини ошиши аниқланган. Дастьлабки текширишлар зидовудинни ОИТВ-1 инфекциясини даволаш учун ёки онадан болага вируснинг ўтишини олдини олиш учун зидовудин қабул қилган катта пациентларнинг, шу жумладан ҳомиладор аёлларнинг лейкоцитар ядро ДНК сига жойлашишини кўрсатади. Зидовудин шунингдек зидовудин билан даволанган оналардан туғилган чақалоқларнинг киндик қони лейкоцитлари ДНК сига жойлашган. Бу хulosаларнинг клиник аҳамияти номаълум.

Канцерогенлик

Зидовудиннинг канцерогенлигини текширишларида сичқонлар ва каламушларда оғиз орқали қабул қилинганида қиннинг эпителиал ўсмаларини ривожланиши кузатилган. Иккала тур ҳайвонларнинг иккала жинсида зидовудинни қўллаш чақирган бошқа ўсмалар кузатилмаган. Қин ичига юборишдаги канцерогенликнинг кейинги текширишлари, қин ўсмалари сийдик билан юқори концентрацияларда чиқарилаётган ўзгармаган ҳолдаги зидовудинни кемирувчиларнинг қинини шиллик қавати билан давомли контактидаги маҳаллий таъсирининг натижаси бўлиши мумкинлиги ҳакидаги гипотезани тасдиқлайди. Кемирувчилардаги канцерогенликни текширишларнинг прогностик аҳамияти аниқланмаган, шунинг учун ушбу кузатувларнинг одамга нисбатан клиник аҳамияти аниқ эмас.

Қўшимча сичқонларда зидовудиннинг канцероген таъсири йўлдош орақали ўтишидаги икки текширишлар ўтказилган. АҚШ нинг Ракнинг Миллий Институти томонидан ўтказилган бир текширишда, ҳомиладор сичқонларга ҳомиладорликнинг 12 кундан 18 кунида зидовудин максимал ўзлаштирулувчи дозаларда берилган. Ҳомиладорлик вактида зидовудиннинг юқори дозаларини (тана вазнига 420 мг/кг/муддат) 12 ой давомида қабул қилган сичқонларнинг авлодида ўпка, жигар ва аёллар жинсий аъзоларининг ўсмалари сонини ошиши кузатилган.

Иккинчи тадқиқотда ҳомиладор сичқонларга ҳомиладорликнинг 10-нчи кунидан бошлаб 24 ой давомида 40 мг/кг гача дозаларда зидовудин берилган. Даволаш билан боғлиқ кузатувларнинг натижалари, қиннинг эпителиал ўсмаларини ривожланиши билан чекланган бўлган, уларни оғиз орқали канцерогенликнинг стандарт текширишлари давомидаги каби тез-тезлиги ва ривожланишини бошланиш вақти билан ўхшашлиги аниқланган. Шундай қилиб, иккинчи текшириш натижалари бўйича зидовудиннинг трансплacentар канцерогенлигининг исботлари олинмаган.

Биринчи тадқиқотлар давомида олинган трансплacentар канцерогенлик бўйича маълумотлар гипотетик хавф туғдириши ҳакида хулоса қилинган, шу вақтда эса ҳомиладорлик вақтида зидовудинни қўллаш ОИТВ ни онадан инфекцияланмаган ҳомилага юқиши хавфини пасайиши яхши исботланган.

Rепродуктив токсикология

Ҳомиладор каламушлар ва қуёнларда зидовудинни қўллашнинг текширишлар ҳомилани она қорнида эрта ўлими ҳолларини тез-тезлигини ошишини намойиш қилган. Каламушлардаги алоҳида текшириш давомида, зидовудинни ўртacha оғиз орқали ўлим дозаларига жуда яқин дозаларда юбориш, ҳомиланинг ривожланиш нуқсонларининг тез-тезлигини оширади. Лекин пастроқ дозаларда тератогенликнинг исботлари кузатилмаган.

Фертиллик

Зидовудиннинг ургочи ва эркак каламушларда фертилликка таъсири аниқланмаган.

Қўлланилиши

Ретровир инфузия учун эритма ОИТС бўлган пациентларда Ретровир ни оғиз орқали қабул қилишни иложи бўлмаганида, ОИТВ-инфекциясининг оғир кўринишларини қисқа муддатли даволаш учун кўрсатилган.

Ретровир инфузия учун эритма ҳомиладор ОИТВ-позитив аёлларда, гестациянинг 14-нчи хафтасидан бошлаб, ва уларнинг янги туғилган болаларида ОИТВ ни вертикал юқиши тез-тезлигини пасайтириш учун кўрсатилган (*Ҳомиладорлик ва лактация бўлимига қаранг*).

Қўллаш усули ва дозалари

Ретровир препарати билан даволашни ОИТВ-инфекциясини даволаш тажрибасига эга бўлган шифокорлар ўтказиши керак.

Ретровир инфузия учун эритма қўллашгача суюлтирилган бўлиши **керак** (*Ишлатиш ва муомала қилиши учун йўриқнома бўлимига қаранг*),

Ретровир инфузия учун эритмани суюлтирилган кўринишида секин вена ичига инфузия йўли билан **бир соат давомида** юбориш керак. Ретровир инфузия учун эритмани мушак ичига юбориш **МУМКИН ЭМАС**.

Ретровир инфузия учун эритмани фақат пациентлар ичга қабул қилиш учун дори шаклларини қабул қилаолгунларигача қўллаш керак.

Катталар ва тана вазни 30 кг дан кам бўлмаган ўсмирлар

Ретровир инфузия учун эритман 1 мг/кг ёки 2 мг/кг дозада ҳар 4 соатда буюрилади. Бу доза Ретровир вена ичига юборилганида препаратнинг, Ретровир 1,5 мг/кг ёки 3 мг/кг дозада ҳар 4 соатда (тана вазни 70 кг пациентда суткада 600 ёки 1200 мг) ичга қабул қилинганидаги каби AUC ни таъминлайди.

Болалар

3 ойликдан 12 ёшгача бўлган болалар

Ретровир инфузия учун эритмани болаларда қўллаш бўйича маълумотлар етарли эмас. Тавсия этилган дозалар диапазони тана юзасига 80 дан 160 мг/м² хар 6 соатдани ташкил қиласиди (суткада 320-640 мг/м²). Ретровир нинг 3-4 юборишда суткада 240-320 мг/м² ни ташкил қилувчи суткалик дозаси, ичга 3-4 қабулда суткада 360 мг/м² дан 480 мг/м² гача қўллашга тавсия этилган доза билан бир ҳил. Лекин хозирги вақтда вена ичига юбориш учун Ретровир бундай паст дозаларда қўллашнинг самарадорлиги бўйича маълумотлар йўқ.

3 ойликкача бўлган болалар

Чекланган маълумотлар препаратни дозалаш тартиби бўйича аниқ тавсияларни шакллартириш имкониятини бермайди (*ОИТВ-инфекцияни онадан ҳомилага юқишини олдини олиш ва Фармакокинетикаси бўлимларига қаранг*).

Кекса ёшли пациентлар

Зидовудиннинг фармакокинетикаси 65 ёшдан ошган пациентларда ўрганилмаган, специфик маълумотлар йўқ. Лекин, буйрак функциясини ёшга боғлиқ пасайишини ва периферик қон кўрсатгичларини мумкин бўлган ўзгаришларини ҳисобга олиб, бундай пациентларда Ретровир препаратини буюришда алоҳида эҳтиёткорликка риоя қилиш ва Ретровир препарати билан даволашгача ва даволаш вақтида мувофиқ кузатувни амалга ошириш керак.

Буйрак функциясини бузилиши бўлган пациентлар

Буйрак функциясини оғир бузилишларида Ретровир инфузия учун эритмасининг тавсия этилган дозаси суткада 1 мг/кг ни ташкил қиласиди, бу ушбу гурух пациентлари учун ичга қабул қилишдаги тавсия этилган суткада 300-400 мг суткалик дозага ва 60-70% биокираолишга мувофиқ келади. Периферик қон томонидан реакция ва клиник самарага караб, дозани кейинги тўғрилаш талаб қилиниши мумкин. Гемодиализ ёки перитонеал диализ зидовудиннинг чиқарилишига аҳамиятли таъсир кўрсатмайди, лекин глюкуронид метаболитининг чиқарилишини тезлаштиради.

Гемодиализ ёки перитонеал диализда бўлган буйрак етишмовчилигининг терминал босқичидаги пациентлар учун Ретровир препаратининг тавсия этилган дозаси ҳар 6-8 соатда 100 мг ни ташкил қиласиди (*Фармакокинетикаси бўлимига қаранг*).

Жигар функциясини бузилиши бўлган пациентлар

Жигар циррози бўлган пациентларда олинган маълумотлар, буйрак етишмовчилиги бўлган пациентларда пасайган глюкуронизация туфайли зидовудиннинг тўпланиши юз бериши мумкин, шунинг муносабат билан дозани тўғрилаш талаб қилиниши мумкин. Лекин чекланган маълумотлар дозалаш тартиби бўйича аниқ тавсияларни шакллаштириш имкониятини бермайди. Агар плазмада зидовудиннинг концентрациясини мониторлаш мумкин бўлмаса, унда шифокор препаратнинг ўзлаштираолмасликнинг клиник

белгиларига алохидә эътибор бериши ва зарурати бўлганида дозани тўғрилаши ва/ёки дозаларни юборишлар орасидаги интервални ошириши керак.

Қон яратиши тизими томонидан нохуш реакциялари бўлган пациентлар

Дозалаш тартибини адекват тўғрилаш - дозани камайтириш ёки Ретровир препаргини бекор қилиш, қон яратиши тизими томонидан нохуш реакцияларда, гемоглобиннинг даражаси 7,5-9,0 г/дл (4,65-5,59 ммолъ/л) ёки лейкоцитларнинг микдори $0,75-1,0 \times 10^9/\text{л}$ гача пасайган пациентларда талаб қилиниши мумкин (*Кўллаш мумкин бўлмаган холатлар ва Maxsus кўрсатмалар бўлимларига қаранг*).

ОИТВ-инфекцияни онадан ҳомилага юқишини олдини олиши

Ретровир препаргининг дозалашни қўйидаги тартибларининг самарадорлиги исботланган (*Ҳомиладорлик ва лактация бўлимига қаранг*).

Туғруқ вақтида ва туғруқ тугагунигача Ретровир инфузия учун эритма препаргини вена ичига тана вазнига 2 мг/кг дозада бир соат давомида, киндик тасмаси сикилгунича кейинга 1 мг/кг/соат дозада узлуксиз вена ичига инфузия билан қўллаш керак. Перорал шаклларни қабул қилаолмайдиган болаларга Ретровир инфузия учун эритма препаргини вена ичига тана вазнига 1,5 мг/кг дозада ярим соат давомида хар 6 соатда юбориш керак.

Ишлатиши ва муомала қилиши бўйича йўриқнома

Ретровир инфузия учун эритмасини юбориш олдидан суюлтириш **керак**.

Ретровир инфузия учун эритма препаратида антимикроб консервант йўқлиги туфайли, суюлтиришни тўлиқ асептика шароитларида, бевосита юбориш олдидан ўтказиш керак, эритманинг флакондаги ишлатилмаган қисмини йўқотиш керак.

Ретровир препаргининг керакли дозаси зидовудиннинг якуний концентрацияси 2 мг/мл ёки 4 мг/мл га тенг бўлиши учун, вена ичига юбориш учун 5% ли глюкоза эритмасига қўшилади. Олинган эритма аралаштирилади. Эритма 5°C дан 25°C гача ҳароратда 48 соат давомида кимёвий ва физик барқарор бўлиб қолади.

Эритма суюлтиришдан олдин, суюлтириш вақтида ёки кейин лойқаланганида, уни йўқотиш керак.

Ножўя таъсирлари

Ретровир билан даволашда пайдо бўлувчи нохуш реакциялар болалар ва катталарда бир хил бўлади.

Учраш тез-тезлиги қўйидаги тарзда аниқланади: *жуда тез-тез* ($\geq 1/10$), *тез-тез* ($\geq 1/100$ ва $\leq 1/10$), *тез-тез эмас* ($\geq 1/1000$ ва $\leq 1/100$), *кам ҳолларда* ($\geq 1/10000$ ва $\leq 1/1000$), *жуда кам ҳолларда* ($\leq 1/10000$).

Қон ва лимфатик тизими томонидан

Тез-тез: анемия (қон қўйиш талаб қилиниши мумкин), нейтропения ва лейкопения.

Бу ножўя самаралари кўпроқ зидовудиннинг юқори дозалари (суткада 1200-1500 мг) ишлатилганида, ОИТВ-инфекциясининг кечки босқичларида (айниқса даволаш бошлишгача суяк қўмигининг захираси пасайгандан) ва, хусусан CD4⁺ хужайралар сони 1мм^3 да 100 дан кам бўлган пациентларда пайдо бўлади. Айрим пациентларда зидовудиннинг дозасини хатто бекор қилгунча пасайтириш керак (*Maxsus кўрсатмалар бўлимига қаранг*), Нетропения кўпроқ зидовудин билан даволаш бошланган вақтда нейтрофиллар сони, гемоглобин даражаси ва зардобда В₁₂ витаминининг даражаси паст бўлган пациентларда пайдо бўлади.

Тез-тез эмас: тромбоцитопения ва панцитопения (суяк қўмигининг гиперплазияси билан).

Кам ҳолларда: хақиқий эритроцитар аплазия.

Жуда кам ҳолларда: апластик анемия.

Моддалар алмашинуви ва овқатланиши томонидан

Тез-тез: гиперлактатемия.

Кам ҳолларда: лактацидоз (*Maxsus кўрсатмалар бўлимига қаранг*), ангорексия. Ёғ тўқимасини қайта тақсимланиши/тўпланиши (*Maxsus кўрсатмалар бўлимига қаранг*). Бу ножўя самарасининг тез-тезлиги кўпсонли омилларга, шу жумладан антиретровирус препаратларининг аниқ мажмуасига боғлиқ.

Рұхиятнинг ўзгариши

Кам ҳолларда: хавотирлик ва депрессия.

Нерв тизими томонидан:

Жуда тез-тез: бош оғриғи.

Кам ҳолларда: уйқусизлик, парастезиялар, уйқучанлик, ақлий фаяолликни пасайиши, тиришишлар.

Юрак томонидан

Кам ҳолларда: кардиомиопатия.

Нафас тизими, күкрап қафаси ва күкс оралыги аъзолари томонидан

Тез-тез эмас: ҳансираш.

Кам ҳолларда: йүтал.

Меъда-ичак йўллари томонидан

Жуда тез-тез: кўнгил айниши.

Тез-тез: қусиш, қорин оғриғи ва диарея.

Тез-тез эмас: метеоризм.

Кам ҳолларда: оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини пигментацияси, таъм бузилиши, диспепсия, панкреатит.

Жигар ва сафро чиқарии йўллари томонидан

Тез-тез: жигар ферментлари ва билирубиннинг даражасини ошиши.

Кам ҳолларда: стеатоз билан яққол гепатомегалия каби жигарни шикастланиши.

Тери ва тери ости тўқималари томонидан

Тез-тез эмас: тошма ва қичишии.

Кам ҳолларда: тирноқлар ва терининг пигментацияси, эшакеми ва кўп терлаш.

Скелет-мушак ва бирютирувчи тўқима томонидан

Тез-тез: миалгия.

Тез-тез эмас: миопатия.

Буйрак ва сийдик чиқарии йўллари томонидан

Кам ҳолларда: сийишни тезлашиши.

Жинсий аъзолар ва сут безлари томонидан

Кам ҳолларда: гинекомастия.

Умумий бузилишилар ва юбории жойидаги бузилишилар

Тез-тез: умумий лоҳаслик.

Тез-тез эмас: иситма, ёйилган оғриқ синдроми ва астения.

Кам ҳолларда: этни увишиши, кўкракда оғриқ ва гриппсимон синдром.

Ретровир нинг перорал шаклларини плацебо назоратли ва очиқ клиник тадқиқотлари давомида олинган маълумотлар, бир неча хафта даволашдан кейин кўнгил айниши ва бошқа энг тарқалган клиник ножӯя реакцияларнинг камайишини намойиш қиласди. Вена ичига инфузия учун эритма кўринишидаги Ретровир қўллашни 2 хафтадан ортиқ тажрибаси чекланган. Бунда энг тез-тез учрайдиган ножӯя реакциялар анемия, нейтропения ва лейкопения бўлган. Маҳаллий реакциялар тез-тез бўлмаган.

Ретровир ОИТВ-инфекциясини онадан ҳомилага юқишини олдини олиши учун қўлланганида пайдо бўлувчи нохуши реакциялар.

Плацебо назоратли тадқиқотлар (ACTG 076) давомида ҳомиладор аёллар ушбу кўрсатма учун тавсия этилган дозаларда Ретровир ни яхши ўзлаштирганлар. Клиник ножӯя реакциялар ва лаборатория текширишларининг натижаларидағи оғишлилар зидовудин ва плацебо гурухида ўхшаш бўлган.

Худди шу текшириш давомида чақалоқларда зидовудин гурухида гемоглобиннинг миқдорини плацебо гурухи билан солиширганда ахамиятсиз пасайиши кузатилган, у бироқ гемотрансфузиялар ўтказиши талаб қиласди. Анемия Ретровир билан даволаш якунланганидан кейин 6 хафта ўтгач ўтиб кетади. Бошқа клиник ножӯя реакциялар ва лаборатория текширишларидаги оғишлилар зидовудин гурухида ва плацебо гурухида ўхшаш бўлган. Препаратни она корнидаги таъсири ва болага таъсири ҳақида мулохаза юритиш имкониятини берувчи узоқ вақтдан кейинги натижалар номаълум.

Құллаш мүмкін бўлмаган ҳолатлар

- Ретровир препаратини зидовудинга ёки анамнездаги препаратнинг хар қандай бошқа компонентига юқори сезувчанлиги бўлган пациентларда қўллаш мүмкін эмас.
- Ретровир препаратини оғир нейтропенияси (нейтрофиллар сони $0,75 \times 10^9/\text{л}$ дан кам) ёки анемияси (гемоглобиннинг даражаси 7,5 г/дл, ёки 4,65 ммоль/л дан кам) бўлган пациентларда қўллаш мүмкін эмас (*Алоҳида кўрсатмалар бўлимига қаранг*).

Дориларнинг ўзаро таъсири

Зидовудин асосан жигар метаболизми орқали нофаол глюкуронидигача чиқарилади . Асосан жигар метаболизми бўлган препаратлар, айниқса глюкуронизация орқали, потенциал зидовудиннинг метаболизмини сусайтиришлари мүмкін. Қуйида Ретровир препарати билан даволаш фонида эҳтиёткорлик билан қўллаш керак бўлган препаратлар синфидан бўлган айрим дори воситалари санаб ўтилган.

Атовақвон

Зидовудин атовақвоннинг фармакокинетикасига таъсир қўлмайди. Лекин фармакокинетик маълумотлар, атовақвонни зидовудинни унинг глюкуронидигача метаболизми даражасини пасайтиришидан далолат беради (мувозанат ҳолатида зидовудиннинг AUC 33% га ошади, плазмадаги глюкурониднинг максимал концентрацияси 19% га пасаяди). Зидовудин суткада 500-600 мг дан дозаларда буюрилганида ва ўткир пневмоцист пневмонияни атовақвон билан йўлдош 3 хафталик даволаш курсида, плазмадаги зидовудиннинг юқори концентрацияси билан боғлиқ бўлган ножӯя реакциялар тез-тезлигини ошишини эҳтимоли кам. Бу препаратларни давомлироқ бирга қўллашнинг зарурати бўлганида, пациентнинг клиник ҳолатини синчиклаб кузатиш тавсия этилади.

Кларитромицин
Кларитромицин таблеткалари бир вақтда қабул қилинганида зидовудиннинг сўрилиши пасаяди. Зидовудин ва кларитромициннини қабул қилишлар орасидаги интервал 2 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Ламивудин

Ламивудин билан бир вақтда қўлланганида C_{\max} ни ўртача ошиши (28%) кузатилади, лекин, бунда умумий экспозиция (AUC) ўзгармайди. Зидовудин ламивудиннинг фармакокинетикасига таъсир қўлмайди.

Фенитоин

Зидовудинни фенитоин билан бирга қабул қилган айрим пациентларда, қонда фенитоиннинг концентрациясини пасайиши аниқланган, бир ҳолда эса фенитоиннинг концентрациясини ошиши аниқланган. Бу кузатувлар Ретровир препарати ва фенитоинни билан қабул қилаётган пациентларнинг қонида фенитоиннинг концентрациясини назорат қилиш кераклигидан далолат беради.

Пробенецид

Айрим маълумотлар бўйича, пробенецид зидовудиннинг ярим чиқарилишини ўртача даври ва AUC ни, глюкурониднинг ҳосил бўлишини сусайиши натижасида оширади. Пробенецид борлигида глюкуронидни ва, эҳтимол, зидовудиннинг ўзини ҳам буйрак экскрецияси пасаяди.

Рифампицин

Чекланган маълумотлар, зидовудин ва рифампицин бирга қабул қилинганида зидовудиннинг AUC $48 \pm 34\%$ га камайишини кўрсатади. Лекин бунинг клиник ахамияти номаълум.

Ставудин

Зидовудин ставудиннинг хужайра ички фосфорланиш жараёнини, улар бир вақтда қабул қилинганида, ингибирлаши мүмкін. Шундай қилиб, ставудин ва Ретровир препаратини бирга қўллаш тавсия этилмайди.

Бошқа препаратлар

Бошқа препаратлар, шу жумладан аспирин, кодеин, морфин, метадон, индометацин, кетопрофен, напроксен, оксазепам, лоразепам, циметидин, клофибрат, дапсоп ва

изопринозин, глюкуронизация жараёнини рақобатли ингибирланиши ёки зидовудиннинг микросомал метаболизмини бевосита бостирилиши натижасида, зидовудиннинг метаболизмини ўзгаришилари мумкин. Бу препаратларни Ретровир препарати билан бирга буюриш олдидан, айниқса давомли даволаш учун, дориларнинг мумкин бўлган ўзаро таъсирини баҳолаш керак.

Зидовудин ва потенциал нефротоксик ёки миелосупрессив препаратларни (масалан пентамидин, дапсон, пираметамин, ко-тримоксазол, амфотерицин, флуцитозин, ганцикловир, интерферон, винкристин, винбластин ва доксорубицинни тизимли юбориш) бир вақтда қўллаш ҳам, айниқса ўткир холатларни даволаш учун, зидовудиннинг ножӯя самаралари хавфини ошириши мумкин. Ретровир препарати ва бу препаратлардан хар бирини бир вақтда буюришда, буйрак функциясини ва гематологик кўрсатгичларни синчиклаб назорат қилиш ва зарурати бўлганида бир ёки бир неча препаратларнинг дозасини пасайтириш керак.

Ретровир препаратини қабул қилишга қарамасдан айрим пациентларда оппортунистик инфекциялар ривожланиши мумкинлиги туфайли, уларни олдини олиш мақсадида қўшимча антимикроб даволашни буюриш талаб қилиниши мумкин. Бундай олдини олиш учун ко-тримоксазол, пентамидин аэрозол шаклида, пираметамин ва ацикловир қўлланади. Клиник синовларнинг чекланган маълумотлари, зидовудин бу препаратлар билан бир вақтда қўлланганида, унинг ножӯя самаралари тез-тезлигини яққол ошиши кузатилмаслигидан далолат беради.

Махсус кўрсатмалар

Пациентлар Ретровир рецептсиз бериладиган препаратлар билан бир вақтда қўлланганидаги хавф хақида маълумот олган бўлишлари керак (*Дориларнинг ўзаро таъсири бўлимига қаранг*).

Пациентлар Ретровир ни қўллаш жинсий алоқа ёки инфекцияланган қон орқали ОИТВ юқишини олдини олмаслиги хақида маълумот олган бўлишлари керак. Хавфсизликнинг мувофиқ чоралари зарур.

Ретровир ОИТВ-инфекциясидан тузатмайди, ва пациентларда оппортунистик инфекцияларни ва хавфли ўсмаларни ривожланиш хавфи сақланиб қолади, бу иммунитетни бостирилиши билан боғлиқ. Гарчи Ретровир оппортунистик инфекцияларнинг ривожланиш хавфини пасайтиrsa ҳам, препаратни қўллаш фонида хавфли ўсмаларни, шу жумладан лимфомаларни ривожланиши хавфи бўйича маълумотлар чекланган. ОИТВ ни кечки босқичларида даволанаётган пациентлар бўйича бор бўлган маълумотлар, лимфоманинг ривожланишини хавфи, даволанаётган пациентларда кузатиладиган кўрсатгичлар билан тўғри келади. Давомли даволашда бўлган ОИТВ ни эрта босқичи бўлган беморларда лимфоманинг ривожланиш хавфи номаълум.

ОИТВ ни ҳомилага юқишини олдини олиш учун ҳомиладорлик вақтида Ретровир ни қўллаш тахмин қилинган ҳомиладор аёллар, ўtkазилаётган даволашга қарамасдан ҳомилани заарланиш хавфи хақида маълумот олган бўлишлари керак.

Қон яратилиши тизими томонидан нохуши реакциялар

Анемия (одатда Ретровир ни қўллаш бошланганидан кейин 6 хафта ўтгач, лекин баъзида олдинроқ ривожланиши мумкин), нейтропения (одатда Ретровир ни қўллаш бошланганидан кейин 4 хафта ўтгач, лекин баъзида олдинроқ пайдо бўлади) ва лейкопения (одатда нейтропения оқибатида иккиласчи характеристи), Ретровир қабул қилаётган, айниқса юқори дозаларда (суткада 1200-1500 мг), ва даволаш бошлангунигача суяқ кўмигида пасайган қон яратилишига эга бўлган, ОИТВ инфекциясини ёйилган клиник манзараси бўлган пациентларда кузатилиши мумкин.

Инфузия учун эртима кўринишидаги Ретровир билан даволаниш вақтида гематологик кўрсатгичларни синчиклаб назорат қилиш керак. Одатда, қон таҳлилларини хафтада камида бир марта назорат қилиш керак.

Агар гемоглобиннинг миқдори 7,5-9,0 г/дл (4,65-5,59 ммоль/л) гача камайса ёки нейтрофилларнинг миқдори $0,75-1,0 \times 10^9/\text{л}$ гача пасайса, Ретровир нинг суткалик дозаси қоннинг кўрсатгичлари тиклангунича камайтирилиши керак; ёки Ретровир қон кўрсатгичлари тиклангунича 2-4 хафтага бекор қилинади. Одатда қон манзараси 2 хафта ўтгач нормаллашади, шундан кейин Ретровир камайтирилган дозада такrorан буюрилиши мумкин.

Ретровир ни вена ичига инфузиялар учун эритма кўринишида 2 хафтадан ортиқ қўллаш тажрибаси чекланган. Ретровир нинг дозасини пасайтиришга қарамасдан, яққол анемияда гемотрансфузия талаб қилиниши мумкин (*Қўллаши мумкин бўлмаган ҳолатлар бўлимига қаранг*).

Лактацидоз/стеатоз билан яққол гепатомегалия

Нуклеозидларнинг аналоглари билан алоҳида препаратлар ёки уларнинг мажмуалари, шу жумладан зидовудин, сифатида антиретровирусли даволаш оқибатида стеатоз билан яққол гепатомегалия, шу жумладан ўлим билан якунланган лактацидознинг ривожланиши хақида хабарлар бор. Бундай кўринишлар асосан аёлларда аниқланган.

Ривожланаётган лактацидознинг клиник белгилар умумий кучсизлик, анорексия, вазнни жадал тушинтириб бўлмайдиган йўқолиши, меъда-ичак йўллари ва нафас аъзоларининг (ҳансираш ва тахипноэ) шикастланиш симптомлари хисобланади.

Ретровир препаратини буюришда, айниқса жигарнинг шикастланиш хавфининг омиллари бўлган пациентларда эҳтиёткорликка риоя қилиш керак. Лактацидознинг гепатит билан ёки гепатитсиз (ҳатто аминотрансферазаларнинг фаоллигини ахамиятли ошиши бўлмаганида ҳам, уларга гепатомегалия ва стеатоз киради) клиник ёки лаборатория белгилари пайдо бўлганида, препаратни қўллашни тўхтатиш керак.

Липодистрофия

Мажмуавий антиретровирусли даволанаётган айrim пациентларда, тери ости ёғ клетчаткасини қайта тақсимланиши ва/ёки тўпланиши, марказий тур бўйича семириш, ёғни дорсоцервикал йигилиши (“буйвол букри”), юз ва қўл-оёқларда тери ости ёғ қаватини камайиши, сут безларининг катталashiши, зардобда липидларнинг концентрациясини ва қонда глюкозанинг концентрациясини ошиши, ҳам алоҳида, ҳам бирга кузатилиши мумкин (*Ножъя таъсирлари бўлимига қаранг*),

Гарча ОИТВ протеаза ингибиторлари ва тескари транскрептазанинг нуклеозидли ингибиторлари (ТТНИ) синфларининг барча препаратлари, умумий синдром билан боғлик бўлган юқорида санаб ўтилган ноxуш реакциялардан бирини ёки бир нечтасини чақиришлари мумкин, у кўпинча липодистрофия деб аталади, тўпланган маълумотлар кўрсатилган синфларнинг препаратларини алоҳида вакиллари орасида бу ноxуш реакцияларни чақириш қобилиятида фарқлар мавжудлигидан далолат беради.

Шунингдек такидлаш лозимки, липодистрофия синдроми кўпомилли этиологияга эга: масалан, ОИТВ-инфекциясини босқичи, кексалик ёши ва антиретровирусли даволашнинг давомийлиги ушбу асоратнинг ривожланишида муҳим, эҳтимол синергик рол ўйнайди. Бу ноxуш реакцияларни узоқдаги асоратлари хозирча номаълум.

Клиник текшириш вақтида тери ости ёғ клетчаткасини қайta тақсимланиш белгиларига эътибор бериш керак.

Зардбаги липидларнинг концентрациясини ва қондаги глюкозанинг концентрациясини синчиклаб кузатиш керак. Липид алмашинуви бузилганида мувофиқ даволаш буюрилади.

Тикланган иммунитет синдроми

Антиретровирусли даволашни бошлаш вақтида оғир иммун танқислиги бўлган ОИТВ-инфекцияланган пациентларда симптомсиз оппортунистик инфекциялар ёки уларнинг қолдиқ кўринишлари бўлганида, бундай даволашни ўтказиш оппортунистик инфекцияларнинг симптоматикасини кучайишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Одатда бу реакциялар антиретровируслар даволаш бошланганидан кейин биринчи хафталар ёки ойлар давомида пайдо бўлади. Типик мисоллари цитомегаловирусли ринит, ёйилган ва/ёки микобактериялар чақирган ўчоқли инфекция, ва *Pneumocystis jiroveci* (*P. carinii*) пневмония хисобланади. Яллигланишнинг ҳар қандай

симптомларини пайдо бўлиши дархол текширишни ва, зарурати бўлганида даволашни талаб қиласди. Иммунитетнинг тикланиши фонида аутоиммун касалликлар кузатилга (Грейвс касаллиги, полимиозит ва Гийена-Барре синдроми каби) кузатилган, лекин бирламчи қўринишларнинг вақти ўзгариб турган, ва касаллик даволаш бошланганидан кейин кўп ойлар ўтгач пайдо бўлиши ва атилик кечишга эга бўлиши мумкин.

ОИТВ ва С гепатити вирусли коинфекция

Бир вақтда зидовудин билан даволанаётган ОИТВ-инфекцияланган пациентларда, рибавирин-индукцияланган анемияни ўсиб бориши хақида хабар берилган, лекин бунинг аниқ механизми номаълум. Шунинг учун рибавирин ва зидовудинни бирга қўллаш тавсия этилмайди. Антиретровирусли даволаш тартибини, зидовудин сақламайдиган тартибини қўллаб, айниқса анамнезида зидовудин-индукцияланган анемияси бўлган пациентларда алмаштириш керак.

Латексга аллергия

Ретровир инфузия учун эритма флаконларининг резина тикини табиий қуруқ латексли каучук сақлайди, у латексга сезувчан пациентларда аллергик реакциялар чақириши мумкин.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Фертиллик

Ретровир ни аёлларнинг фертиллигига таъсири хақида маълумотлар йўқ. Эркакларда Ретровир ни қабул қилиш сперматозоидларнинг микдорига, морфологияси ва харакатчанлигига таъсир қilmайди.

Ҳомиладорлик

Зидовудин одамларда йўлдош орқали ўтади (*Фармакокинетикаси бўлимига қаранг*). Гестациянинг 14-нчи хафтасидан илгари Ретровир ни фақат агарда она учун потенциал фойда, хомила учун ҳавфдан юқори бўлган ҳолдагина қўллаш мумкин (*Ҳавфсизлик бўйича клиника олди маълумотлари бўлимига қаранг*),

Қон зардобида лактатнинг аҳамиятсиз, ўтувчан ошиши хақида хабарлар бор, у тескари транскриптазанинг нуклеозидли ингибиторлари билан она қорнида ёки перинатал экспозициясига дучор бўлган янги туғилган чақалоқлар ва гўдакларда митохондрийларнинг дисфункцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қон зардобида лактатнинг концентрациясини ўтувчан ошишининг клиник аҳамияти номаълум. Ривожланишни кечикиши, тиришиш хуружлари ва бошқа неврологик бузилишлар хақида жуда кам хабарлар бор. Шунга қарамасдан, ушбу қўринишлар ва тескари транскриптазанинг нуклеозидли ингибиторлари билан она қорнида ёки перинатал экспозиция орасида сабаб-оқибат алоқаси аниқланмаган. Бу маълумотлар ҳомиладорларда ОИТВ юқишини вертикал йўлини олдини олиш бўйича антиретровирусли даволашни қўллаш бўйича ушбу тавсияларга таъсир қilmайди.

ОИТВ ни онадан ҳомилага юқишини олдини олиш

ACTG 076 текширишлар давомида ҳомиладор аёлларда гестациянинг 14 хафтасидан кейин янги туғилган чақалоқларга уни кейинги буюриш билан Ретровир қўлланганида, ОИТВ онадан болага юқиш тез-тезлигини аҳамиятли пасайиши намойиш қилинган (инфекцияни пайдо бўлишини тез-тезлиги зидовудин ишлатилганидаги - 8% билан солиширишанда плацебо ишлатилганида - 23%). Ретровир капсулалари препарати билан даволаш ҳомиладорликнинг 14 дан 34 хафтасида бошланган ва тугрук бошлангунигача давом этирилган. Тугрук вақтида ва тугрукдан кейин аёлларга вена ичига Ретровир юборилган. Янги туғилган чақалоқлар Ретровир препаратини 6 хафталик ёшгacha оғиз орқали қабул қилганлар. Перорал шаклларни қабул қилаолмайдиган болаларга Ретровир препарати вена ичига юборилган.

Она қорнида ёки неонатал даврларда Ретровир қабул қилган болаларда уни қўллашнинг узок муддатдан кейинги асоратлари номаълум.

Ҳайвонлардаги канцерогенлик/мутагенлик текширишларнинг натижаларига асосланиб, одамга канцероген таъсири мумкинлигини бутунлай истисно қилиб бўлмайди (*Ҳавфсизлиги бўйича клиника олди маълумотлари*). Бу кузатувларнинг аҳамияти

зидовудин таъсирига дучор бўлган инфекцияланган чақалоқлар учун ҳам, инфекцияланмаган чақалоқлар учун ҳам номаълум. Лекин ҳомиладорлик вақтида Ретровир препарати билан даволашни буюриш хақидаги масала кўрилаётган ҳомиладор аёллар, бу хақида маълумот олган бўлишлари керак.

Лактация

Экспертларнинг фикри бўйича, барча ОИТВ-инфекцияланган оналар ОИТВ ни болага юқишидан сақланиш учун, иложи борича эмизищдан воз кечишлари керак. Суный озиқлантиришнинг иложи бўлмаган шароитларда, антиретровирусли даволаш вақтида эмизищ имкониятини кўришда лактация ва даволаш бўйича маҳаллий расмий раҳбарий тамойилларга амал қилиш керак.

ОИТВ-инфекцияланган аёл томонидан зидовудиннинг 200 мг бир марталик дозаси қабул қилинганидан кейин, зидовудиннинг ўртача концентрацияси она сутида ва зардобда бир хил бўлган. Бошқа текширишларда зидовудиннинг 300 мг перорал дозаларини суткада икки марта (бир бутун сифатида ёки КомбивирTM ёки Тризивир) тақориј қабул қилишлардан кейин зидовудин учун она плазмаси/кўкрак сути нисбати 0,4 дан 3,2 гача диапазонда тебранган. Болаларда зидовудиннинг ўртача зардоб концентрациялари бир текширишда 24 нг/мл ни ташкил қилган, ва бошқа текширишда аниқлаш чегарасидан (30 нг/мл) паст бўлган. Эмизикли чақалоқлардаги зидовудин трифосфатининг (зидовудиннинг фаол метаболити) хужайра ички даражалари ўлчанмаган, шунинг учун ўлчанган дастлабки бирикманинг зардоб концентрацияларининг клиник аҳамияти номаълум.

Транспорт воситаларини, механизmlарни бошқариши қобилиятига таъсири ёки когнитив қўнималар

Автомобилни бошқариш ва механизmlар билан ишлаш қобилиятига зидовудиннинг таъсирини ўрганиш ўтказилмаган. Препаратнинг фармакологик хусусиятлари бундай таъсирининг эҳтимоли пастлигидан далолат беради. Шунга қарамасдан, пациентнинг клиник холатини, шунингдек зидовудиннинг ножӯя самараларини характеристини ҳам эътиборга олиш керак.

Ретровир инфузия учун эритма, одатда, стационар беморлар учун қўлланади ва механизmlарни бошқариш ва улар билан ишлаш мумкинлиги хақидаги маълумот ишлатилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Симптомлари ва белгилари

“Ножӯя таъсирлари” бўлимида санаб ўтилганлардан ташқари зидовудиннинг дозасини ўткир ошириб юборилишида бирон-бир специфик симптомлар ва белгилар аниқланмаган: хусусан чарchoқлик ҳисси, бош оғриғи, қусиши, жуда кам ҳолларда қон кўрсатгичлари томонидан ўзгаришлар хақида хабар берилган. Зидовудиннинг номаълум миқдори билан дозани ошириб юборилиши хақида бир хабар бор, унда қондаги зидовудиннинг концентрацияси одатдаги терапевтик концентрациясидан 16 марта юқори бўлган, шунга қарамасдан, бунда клиник, биокимёвий ёки гематологик симптомлар бўлмаган.

Бешта пациентларга хатто 7,5 мг/кг гача бўлган максимал дозалар инфузион хар 4 соатда 2 хафта давомида буюрилган. Бир пациентда безовталик кузатилган, шу вақтнинг ўзида қолган 4 пациентларда ҳеч қандай ножӯя реакциялар ривожланмаган.

Даволаш

Доза ошириб юборилган ҳолда интоксикациянинг белгиларини ўз вақтида аниқлаш учун пациентнинг холатини назорат қилиш (*Ножӯя таъсирлари* бўлимига қаранг) ва стандарт тутиб турувчи даволашни ўтказиш тавсия этилади. Организмдан зидовудинни йўқотиш учун гемодиализ ва перитонеал диализ юқори самарадорликка эга эмас, лекин унинг метаболити глюкурониднинг чиқарилишини кучайтиради.

Чиқарилиш шакли

Инфузия учун эритма тайёрлаш учун концентрат 10 мг/мл

Инфузия учун эритма 200 мг/20 мл дан резина тиқин билан беркитилган ва химояловчи пластмасса қалпоқчали алюмин қопқоқ билан сиқиған нейтрал түқ шиши флаконда 5 флакондан пластмасса контур уяли ўрамда тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон кутида.

Сақлаш шароити

30°C дан юқори бўлмаган хароратда, ёргуликдан ҳимояланган жойда сақлансин.
Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

36 ой. Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича берилади.

Қайд этиш гувоҳнома эгаси:

GlaxoSmithKline Export Limited
980 Great West Road, Brentford,
Middlesex, TW8 9GS
UK

ГлаксоСмитКляйн Экспорт Лимитед
980 Грейт Вест Роад, Брентфорд,
Мидлсекс, TW8 9GS
Буюк Британия

Ишлаб чиқарувчи:

Glaxo Operations UK Limited
Harmire Road
Barnard Castle
Durham
DL12 8DT
United Kingdom

Глаксо Оперэйшенс ЮК Лимитед
Хармайр Роад
Барнард-Касл
Дарем
DL12 8DT
Буюк Британия

PETROVIP ViiV Healthcare компаниялар гурухининг савдо белгисидир.
©2016 ViiV Healthcare компаниясининг гурухлари аъзоси. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили:

«NOVOTEK» МЧЖ
100084, Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўч., 2.

Шахар телефони: +99871 1206035

Мобил телефони: +99899 8955556; +99890 3280128

Факс: +99871 1207306

Электрон манзил: ved@novotek.uz